



## ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА РАДИКАЛИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ

**Султонов Рашид Дурдиевич**

ИИБ Академияси Магистратура тингловчиси

Email: .....


<https://doi.org/10.5281/zenodo.20636082>

**Аннотация.** Мақолада олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ўртасида радикализм, экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш (профилактика) масаласи ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ҳамда 2021–2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегияси ўрганилади; профилактика субъектлари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари қиёсий таҳлил қилиниб, талабаларнинг ёш гуруҳларига мос профилактика воситалари тизимлаштирилади ва профилактикани такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** экстремизм профилактикаси, терроризм профилактикаси, радикаллашув, талабалар, таълим муассасалари, педагог ходим, методик тавсиялар, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Миллий стратегия, ёшлар сиёсати.

**Аннотация.** В статье с правовой и организационной точки зрения анализируется вопрос профилактики правонарушений, связанных с радикализмом, экстремизмом и терроризмом, среди студентов высших и средних специальных учебных заведений. Будет изучено законодательство Республики Узбекистан в сфере противодействия экстремизму и терроризму, а также Национальная стратегия на 2021–2026 годы; будет проведен сравнительный анализ результатов социологического опроса, проведенного среди субъектов профилактики, систематизированы средства профилактики, соответствующие возрастным группам студентов, и выдвинуты предложения по совершенствованию профилактики.

**Ключевые слова:** профилактика экстремизма, профилактика терроризма, радикализация, студенты, образовательные учреждения, педагогический персонал, методические рекомендации, профилактика правонарушений, Национальная стратегия, молодежная политика.





**Abstract.** This article analyzes the issue of preventing (prophylaxis of) offenses related to radicalism, extremism, and terrorism among students of higher and secondary specialized educational institutions from legal and organizational perspectives. The legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of countering extremism and terrorism, as well as its National Strategy for 2021–2026, are examined. The results of a sociological survey conducted among the subjects of prevention are comparatively analyzed, prevention tools appropriate for student age groups are systematized, and proposals for improving prevention efforts are put forward.

**Keywords:** prevention of extremism, prevention of terrorism, radicalization, students, educational institutions, teaching staff, methodological recommendations, prevention of offenses, National Strategy, youth policy.


Радикализм, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бугунги кунда давлатлараро аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалардан бирига айланган бўлиб, ушбу таҳдидларга қарши кураш профилактика (олдини олиш), кўринишларга қарши кураш ва оқибатларни бартараф этиш йўналишларида амалга оширилади. Бунда айнан профилактика энг самарали ва энг кам харажатли йўналиш ҳисобланади, чунки у потенциал ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар сонини камайтиради<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар ўртасида, айниқса жиноятларнинг, шу жумладан террорчилик хусусиятидаги жиноятларнинг олдини олиш доимо давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган. Сўнгги йиллардаги ислохотлар бу борада тубдан янги ёндашувни шакллантирди: мамлакатда сўнгги ўн беш йил давомида бирорта ҳам террорчилик ҳаракати содир этилмаган, аммо радикал ғояларнинг кириб келиши ва тарқалиши туфайли ёшларнинг радикаллашуви хавфи сақланиб қолмоқда<sup>2</sup>. Бунинг далили сифатида либераллашув жараёнида 2017–2018 йилларда 20 мингдан ортиқ фуқаро террорчиликда гумон қилинганлар рўйхатидан чиқарилганини келтириш мумкин<sup>2</sup>.

Давлат сиёсатининг концептуал асосини Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кучга нисбатан маърифатга устуворлик бериш ғояси ташкил этади. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқида Президентимиз халқаро терроризм ва экстремизм таҳдидига куч

<sup>1</sup> Ермишина Н. С., Колтакова К. А. Профилактика экстремизма и терроризма: совершенствование инструментов, используемых педагогическими работниками в образовательных учреждениях // Вестник Санкт-Петербургского университета. Право. 2024. Т. 15, вып. 4. С. 1177–1195. DOI: 10.21638/spbu14.2024.416.

<sup>2</sup> Policy of Countering Terrorism and Extremism in Uzbekistan: How Did It Change Over the Past Few Years? // CABAR.asia. 2020. URL: <https://cabar.asia/en/policy-of-countering-terrorism-and-extremism-in-uzbekistan-how-did-it-change-over-the-past-few-years> (муружаат санаси: 08.05.2026).





ишлатиш йўли билан эмас, балки “жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиш зарурлигини таъкидлади<sup>3</sup>. Унинг фикрича, ушбу салбий ҳолатлар оқибатини бартараф этиш билан чекланмай, уларни келтириб чиқараётган асосий сабабларни аниқлаш, бунда биринчи навбатда ёшларнинг онги ва тафаккурини маърифат асосида шакллантириш энг муҳим вазифадир. Шу билан бирга Президентимиз экстремизм бўйича хавотирини билдириб, ота-оналар, ўқитувчилар ва маҳалла оқсоқолларини ёшларни бундай ғоялардан асрашга чақирганлиги<sup>4</sup> мазкур масала давлат сиёсати кун тартибида доимий равишда бўлиб туришини кўрсатади.

Ушбу сиёсий иродани ҳуқуқий механизмга айлантириш мақсадида 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сонли Президент Фармони билан 2021–2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегия тасдиқланди<sup>5</sup>. Ҳужжатнинг расмий мақсади конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик ҳамда фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган самарали ва мувофиқлаштирилган давлат сиёсатини амалга оширишдир<sup>6</sup>. Стратегиянинг алоҳида устувор йўналиши сифатида экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш белгиланган<sup>5</sup>.

Мазкур мақолада талабалар ўртасида радикализм ва терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари қуйидаги жиҳатларда тадқиқ этилади: соҳадаги қонунчилик ривожланиш тенденцияси; таълим муассасаларида профилактика дастурини амалга оширишдаги амалий қийинчиликлар; педагог ходимларнинг профилактик тадбир ўтказиш учун ҳуқуқий тайёргарлик даражаси; “экстремизм ва терроризм” мавзусидаги профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш.

“Экстремизм” ва “терроризм” тушунчаларининг ҳуқуқий мазмунини умумийдан хусусийга қараб белгилашда Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунлари “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги (2000 й.) ва “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги (2018 й.) Қонунлар асос бўлиб

<sup>3</sup> Ўзбекистон – БМТ: ҳамкорликнинг янги босқичи. (Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи таҳлили) // Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази. 2017. URL: <https://www.bukhari.uz/?p=31297> (мурожаат санаси: 09.05.2026).

<sup>4</sup> Uzbekistan: Extremism and Terrorism // Counter Extremism Project. URL: <https://www.counterextremism.com/countries/uzbekistan-extremism-and-terrorism> (мурожаат санаси: 10.05.2026).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021–2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони [2021 йил 1 июль, № ПФ-6255] // Lex.uz. — URL: <https://lex.uz/docs/5491626>





хизмат қилади. Миллий стратегия ҳам айнан шу қонунлар, шунингдек “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларда белгиланган қоидаларини амалга оширишга қаратилган<sup>6</sup>.

Россия тажрибаси мисолида кўрилганидек, давлат профилактика, экстремизмга ва терроризмга қарши курашни икки алоҳида йўналиш сифатида ажратади. Экстремизм терроризмга нисбатан камроқ ижтимоий хавфли бўлиб кўринса-да, унга қарши кураш кам куч талаб қилмайди, чунки у ички сиёсий ва ижтимоий вазиятни беқарорлаштирувчи кайфиятларни юзага келтиради; вояга етмаганлар эса айнан экстремистик хатти-ҳаракатларга кўпроқ мойил бўлади<sup>7</sup>.


Ёшлар сиёсати нуқтаи назаридан профилактика 14–30 ёшдаги аудиторияга йўналтирилган. Бу борада ОБСЕ Ўзбекистондаги Лойиҳа мувофиқлаштирувчиси ҳам Миллий стратегияни амалга оширишда ёшлар ва аёлларнинг профилактика субъекти сифатидаги ролини кучайтириш, ёшларда экстремизм ва терроризм мафкураси олдида барқарор иммунитет шакллантиришга кўмаклашаётганини қайд этади<sup>8</sup>.

Профилактик тадбирларнинг самарадорлиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳокимият вакиллари билан учрашувлардан ташқари, педагог ва ижтимоий ходимлар умумтаълим дастурлари доирасида профилактик ишни амалга оширишлари лозим. Уларнинг энг муҳим имконияти талабалар билан узоқ муддатли мулоқот жараёнида ишончли алоқа ўрнатиш, бу бир марталик учрашувга нисбатан тарғиботни сифатлироқ ўзлаштиришга хизмат қилади.

Айнан шу ерда асосий муаммо юзага келади: педагог давлат ва ёшлар ўртасидаги марказий бўғин бўлса-да, профилактика субъектлари тизимида энг қуйи ва бошланғич ҳалқа ҳисобланади ҳамда ҳар доим ҳам юридик малакага эга бўлавермайди. Шу боис унга экстремизм ва терроризмнинг ҳуқуқий табиатини тушуниш бўйича аниқ кўрсатмалар берилмайди, у фақат миқдорий кўрсаткичларга эришиши талаб қилинади, сифат кўрсаткичларини эса мустақил ишлаб чиқишга мажбур бўлади. Бу эса педагогнинг назарий тайёргарлигига кўмак берувчи махсус воситалар зарурлигини келтириб чиқаради, чунки у талабаларнинг мулоҳазаларини

<sup>6</sup> Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш стратегияси тасдиқланди // Gazeta.uz. 2021. 6 июль. — URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/06/strategy/>

<sup>7</sup> Ермишина Н. С., Колтакова К. А. Профилактика экстремизма и терроризма: совершенствование инструментов, используемых педагогическими работниками в образовательных учреждениях // Вестник Санкт-Петербургского университета. Право. — 2024. — Т. 15, вып. 4. — С. 1177–1195. — DOI: 10.21638/spbu14.2024.416.





оддий педагог нуқтаи назаридан эмас, балки ҳуқуқий тартиб тамойилини билувчи ва ҳуқуқий баҳо бера олиш нуқтаи назаридан баҳолаши керак.

Профилактика чора тадбирларни талабаларнинг ёш гуруҳлари ва психоэмоционал хусусиятларига мослаштирилиши лозим бўлиб бормоқда:

- **14-15 ёш (асосий умумий таълим)**. Жамоавий фикрга йўналганлик, жиддий мавзуни ҳазилга айлантириш мойиллиги. Воситалар: кўп сонли тадбирлар, материални соддалаштирилган тарзда тақдим этиш, ўйин шаклидаги интерактив усуллар; муаммони кундалик ҳаётга проекциялаш<sup>1</sup>.


- **16-17 ёш (ўрта умумий таълим)**. Интеллектуаллашув ва эмансипация (мустақил фикрни намойиш этиш истаги) кучаяди. Воситалар: диалогик шакл, дискуссия майдонини ташкил этиш, норасмий мулоқот орқали барча иштирокчиларни жалб қилиш.

- **18-21 ёш (ўрта махсус ва олий таълим — бакалаврият)**. Ҳуқуқий онгнинг янги босқичга ўтиши, фаол иштирок этиш истаги. Бу ерда педагог ўқитувчи эмас, балки **модератор** ролида чиқиши мақсадга мувофиқ. Воситалар: хужжатли фильмларни кўриб муҳокама қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан “савол-жавоб” учрашуви, форум-театр каби нотипик интерактив шакллар.

Биз юқорида талабалар ўртасида айнан терроризм ва экстремизмнинг олдини олишда муҳим бўлган бўлиши лозим деб ҳисоблаган педагоглар ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари педагогик ходимларнинг ҳолатини яққол кўрсатади:

- сўралган педагогларнинг **75%** ўз муассасасида экстремизм ва терроризм профилактикаси учун бевосита масъул эмас деб ҳисоблайди;
- кўпчилик (**70%**) бир йилда терроризм мавзусида 3 та, экстремизм мавзусида 1-2 та тадбир ўтказган, **20%** эса тадбирлар сони ҳақида тасаввурга эга эмас;
- ўтказилаётган тарғибот тадбирларнинг **80%** ўйин ёки суҳбат шаклида, **15%** фильм кўриш орқали ўтказилади;
- педагогларнинг **85%** ушбу мавзу бўйича билим даражасини ошириш зарурлигини тасдиқлайди.

Сўров натижаларидан кўриниб турибдики, профилактика кўпинча ватанпарварлик тадбирлари билан алмаштирилиб, тадбирларнинг сифат даражаси пастлигича қолмоқда. Бу ҳолат “ватанпарварлик тарбияси” ва “профилактика” тушунчаларини аралаштириб юборилаётганлигини кўрсатади. Тадқиқот мавзуси доирасидаги тарғибот тадбирлари





бағрикенглик, хурмат, толерантлик каби туйғуларни сингдиришга, ватанпарварлик эса алоҳида тарбиявий йўналишга тегишли бўлиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий шароитда асосий хавф ахборот майдонига кўчганлиги ва уни назорат қилишнинг мураккаблиги хавф омилини каррасига ошириб юбормоқда. Россия маълумотларига кўра 12–24 ёшдаги ёшларнинг 97,1%и интернетдан фойдаланиб, бўш вақтини ўша ерда ўтказди. Ўзбекистонда ҳам рақамлаштириш суръатлари ниҳоятда юқори: 2021 йилда интернет фойдаланувчилари улуши 76,6%ни ташкил этган бўлса, 2022 йилда - 83,9%, 2023 йилда - 89%, 2024 йилда - 93,3%, 2025 йилнинг январь–август ойларида эса аҳолининг 94,2%и интернетдан фойдаланган<sup>8</sup> - яъни тўрт йил ичида қамров деярли 18 фоиз пунктга ошган. Бунда мамлакат аҳолисининг асосан ёш қисмини ташкил этувчи 11,7 миллионга яқин фойдаланувчи ижтимоий тармоқларда фаол бўлиб, энг машхур платформа Instagram ҳисобланади<sup>9</sup>. Аудиториянинг бундай кенглиги, бир томондан, маърифий профилактика учун қулай имконият яратса, иккинчи томондан, радикал ғоялар тарқатилишининг асосий каналига айланиб бормоқда.

Хавфнинг ўзига хослиги шундаки, экстремистик ва террорчилик ташкилотлари интернет орқали ёшларни **бевосита** масофадан туриб ёллаш ишларини олиб бормоқда; турли “ёвуз кучлар” халқ ва диний урф-одатлар ҳимоячилари ниқоби остида, айнан ёшлар орасида бегона ғояларни тарғиб этишга уринмоқда<sup>10</sup>. Бу таҳдид илмий адабиётда ҳам қайд этилган: интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалиши жиддий салбий оқибатларга олиб келиши таъкидланади.


Давлат бу борада қарши кураш (реактив) чораларни кучайтирмоқда: Дин ишлари бўйича қўмита ва Олий суд мунтазам равишда YouTube, Telegram, Meta, Instagram, TikTok платформаларидаги экстремизм ва терроризм ғояларини тарқатувчи канал, аккаунт ва материалларнинг янгиланган рўйхатини эълон қилиб, уларни мамлакат ҳудудида тарқатиш ва намойиш этишни тақиқламоқда<sup>11</sup>. Бироқ контентни блоклаш ва рўйхатга киритиш бу ноаниқ доирадаги шахслар учун ахборот блокени

<sup>8</sup> Ўзбекистон аҳолисининг 94,2 фоизи интернетдан фойдаланади // Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. 2025. URL: <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/64212>

<sup>9</sup> По данным сервиса Datareportal, интернетом в Узбекистане пользуются почти 90 % населения // Podrobno.uz. — 2025. URL: <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/po-dannym-servisa-datereportal-internetom-v-uzbekistane-polzuyutsya-pochti-90-naseleniya/>

<sup>10</sup> Экстремизм — ёмон иллат // Zamaxshariy.uz. — 2019. — URL: <https://zamaxshariy.uz/3985/> (мурожаат санаси: 08.05.2026).

<sup>11</sup> В Узбекистане обновили список экстремистских каналов и материалов // Podrobno.uz. — 2024. — URL: <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/kakie-resursy-nelzya-ispolzovat-v-uzbekistane-obnovili-spisok-ekstremistskikh-kanalov-i-materialov/> (мурожаат санаси: 08.05.2026).





қисқартирувчи иккиламчи чора, холос; у муайян гуруҳга бевосита таъсир кўрсатувчи бирламчи профилактика ишининг ўрнини боса олмайди. Шу сабабли профилактикада киберхавфсизлик ва ахборотни танқидий идрок этиш (медиясаводхонлик) мавзусини кучайтириш, яъни ёшларда зарарли контентга нисбатан “иммунитет” шакллантириш бугунги кунда устувор вазифага айланмоқда.

Биз айнан талабалар ўртасида терроризм, радикализм ва экстремизмга қарши кураш ва барвақт профилактикасини такомиллаштириш борасида педагог ходимларнинг ўрни беқиёс эканлигини этироф этамиз ва педагог ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг энг самарали воситалари сифатида қуйидагилар таклиф этамиз:

**биринчидан**, лекция мавзуси ёки унинг таркибий тузилиши мутахассис-амалиётчиларнинг тақдимотлари ва педагогларнинг ўзлари томонидан синов тадбирлари ўтказилишини ўз ичига олиши лозим. Муҳим жиҳат Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик кодекслари нормаларини диспозиция ва санкциялар билан чуқур ўрганишни эмас, балки жиноят детерминантлари, ҳуқуқбузарликлар таснифи ва радикал кайфиятнинг кундалик ҳаётдаги кўринишларини тушунишни шакллантириши керак;

**иккинчидан**, талабалар ўртасида экстремизм, терроризм ва радикализм бўйича чуқурроқ билим талаб қиладиган ва интеллектуал рақобатни кучайтирадиган интерактив ўйин методларини фаол қўллашлари лозим.

**учинчидан**, методик тавсияларнинг янги моделини ишлаб чиқиш, умумий ва чуқур назарий ҳужжатлардан воз кечиб, **маъруза матнлари** ва ўйин жараёнидаги коммуникация тавсифларини ўз ичига олган амалий тавсиялар тузиш зарур. Бу педагогларга профилактик тадбирларни сифатли ўтказишни осонлаштиради.

Экстремизм ва терроризмга қарши кураш Ўзбекистон давлат сиёсатининг марказий вазифаларидан биридир, бунда давлат сиёсати профилактик ишни бутун ҳудудга кенгайтириш томон ўзгариб бормоқда. Бу эса сифат талабларига жавоб берадиган самарали чора тадбирларни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, олиб борилган таҳлилларга таянган ҳолда, талаба-ёшлар ўртасида радикализм, экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ягона ҳамда универсал механизмни ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Мазкур жараёнда педагог ходимларнинг ушбу





ижтимоий-сиёсий таҳдидлар моҳияти тўғрисидаги билим ва кўникмаларини ошириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бироқ, ўқитувчиларнинг иш юки юқорилигини инобатга олган ҳолда, уларга мазкур билимларни қисқа вақт ичида, аммо самарали етказиш тизимини йўлга қўйиш талаб этилади. Шу боисдан, тегишли ижро органлари томонидан педагоглар учун қисқа муддатли, лекин мазмунан қамровдор семинарлар ва малака ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек, профилактикага масъул субъектлар томонидан ишлаб чиқиладиган методик тавсияларнинг нафақат сонини кўпайтириш, балки уларнинг амалий-сифат кўрсаткичларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Амалга ошириладиган бу каби комплекс саъй-ҳаракатларнинг пировард мақсади, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ёшлар онги ва тафаккурини маърифат асосида шакллантириш орқали уларда экстремизм ва терроризм мафқурасига қарши мустаҳкам ва барқарор иммунитетни яратишга хизмат қилиши билан ғоят аҳамиятлидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ/Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. – 56 б. (Mirziyoev Sh.M. Together we will build a free and prosperous, democratic country of Uzbekistan. Speech at the joint session of the chambers of the Oliy Majlis dedicated to the inauguration ceremony of the President of the Republic of Uzbekistan/Sh.M. Mirziyoev. – Tashkent: NMIU "Uzbekistan", 2016. – 56 p.)

2. Ермишина Н. С., Колтакова К. А. Профилактика экстремизма и терроризма: совершенствование инструментов, используемых педагогическими работниками в образовательных учреждениях // Вестник Санкт-Петербургского университета. Право. — 2024. — Т. 15, вып. 4. — С. 1177–1195. — DOI: 10.21638/spbu14.2024.416.

3. Policy of Countering Terrorism and Extremism in Uzbekistan: How Did It Change Over the Past Few Years? // CABAR.asia. — 2020. — URL: <https://cabar.asia/en/policy-of-counter-terror-ism-and-extremism-in-uzbekistan-how-did-it-change-over-the-past-few-years> (мурожаат санаси: 08.05.2026).

4. Ўзбекистон – БМТ: ҳамкорликнинг янги босқичи. (Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи таҳлили) // Имом Бухорий





- халқаро илмий-тадқиқот маркази. — 2017. — URL: <https://www.bukhari.uz/?p=31297> (мурожаат санаси: 09.05.2026).
- 5.Uzbekistan: Extremism and Terrorism // Counter Extremism Project. — URL: <https://www.counterextremism.com/countries/uzbekistan-extremism-and-terrorism> (мурожаат санаси: 10.05.2026).
- 6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021–2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони [2021 йил 1 июль, № ПФ-6255] // Lex.uz. — URL: <https://lex.uz/docs/5491626>
- 7.Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш стратегияси тасдиқланди // Gazeta.uz. 2021. 6 июль. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/06/strategy/>
- 8.Ўзбекистон аҳолисининг 94,2 фоизи интернетдан фойдаланади // Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. 2025. URL: <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/64212>
- 9.По данным сервиса Datareportal, интернетом в Узбекистане пользуются почти 90 % населения // Podrobno.uz. 2025. URL: <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/po-dannym-servisa-datareportal-internetom-v-uzbekistane-polzuyutsya-pochti-90-naseleniya/>
- 10.Экстремизм ёмон иллат // Zamaxshariy.uz. 2019. URL: <https://zamaxshariy.uz/3985/> (мурожаат санаси: 08.05.2026).
- 11.В Узбекистане обновили список экстремистских каналов и материалов // Podrobno.uz. 2024. URL: <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/kakie-resursy-nelzya-ispolzovat-v-uzbekistane-obnovili-spisok-ekstremistskikh-kanalov-i-materialov/> (мурожаат санаси: 08.05.2026).

